O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 17 январь, № 13 (4166) Чоршанба



**Илгари нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам юқори нуфузга эга бўлган Самарқанддаги “Сино” корхонаси бундан тўрт-беш йил илгари ниҳоятда хароба аҳволга келиб қолган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда “Сино” очиқ акциядорлик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, совутгич ва музлатгич ускуналарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бутловчи буюмлар, янги ҳамда замонавий дастгоҳлар ўрнатиш, жар ёқасига келиб қолган корхонани банкротликдан чиқариш масаласи қўйилган эди.**



## «СИНО»НИНГ ДОВРУҒИ ОШМОҚДА

*Шунингдек, корхона беш йил муддатга солиқ ва божхона тўловлари бўйича муайян имтиёзга эга бўлди. Қисқа фурсат мобайнида бу ерда ишлаб чиқаришда юксалиш кўзга ташланди. Корхонада тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот, яъни ўн саккиз турдаги совутгич ва музлатгичлар, турли кондиционерлар, ҳар хил пластмасса эшик ва дераза ромлари, пластмасса қопламалар ўз харидорини топди. Эндиликда жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ўзининг сифатлилиги ва кўркамлиги, балки рангининг гигиеник тозалиги билан ҳам эътиборни ўзига жалб қилади. Устига-устак, улар хорижникидан икки-уч фоиз арзон ҳамдир.*

*Корхона жамоаси хитойлик ва италиялик шериклар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари муваффақиятлар гарови бўлди. Қисқа фурсат ичида бинолар қайта таъмирланиб, бутловчи жиҳозлар ўрнатилди. Шунингдек, корхонага йилига 100 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги замонавий линия ўрнатилди. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар корхонанинг ўзида синаб кўрилмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.
**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА)** олган суратлар.

## «Танлаган тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонни Хитой ҳамиша қўллаб-қувватлайди»

*Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг январь ойида икки давлат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлди.*

Ушбу муҳим сана арафасида мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан Хитой ташқи сиёсий таҳлил марказларининг етакчи эксперт ва раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув уюштирилди. Унда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражаси кўламларига баҳо берилиши баробарида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича таклифлар ўртоқлашилди. Хитойлик экспертлар Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни юксак баҳолашар экан, Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда мамлакатимиз муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбир давомида хитойлик меҳмонларга давлатимизда конституциявий қурилишни ривожлантиришда эришилаётган муваффақиятлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан Пекинда ХХР сиёсат ва жамоат ҳамда таҳлилчи эксперт доиралари, ШҲТ котибияти ва дипломатия корпуси вакиллари иштирокида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда маъруза қилган ХХР ташқи ишлар вазири ёрдамчиси Ли Хуэй таъкидлаганидек, 15 йил давомида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик барқарор ривожланиб келаётир. Турли соҳалардаги ўзаро алоқалар мунтазам чуқурлашиб бормоқда.

Хитойлик меҳмонлар ўзбек халқи Президент И.А.Каримов раҳбарлигида ўз давлати мустақиллигини мустаҳкамлаётгани ва ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганини таъкидлашди.

Ушбу тадбирлар Хитой оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилди. Жумладан, «Синьхуа» ахборот агентлиги, «Жэньминь жибао» газетаси уларга ўз муносабатларини билдирдилар.

«Жэньминь жибао» газетаси саҳифасида икки мамлакат ўртасидаги дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан «Хитой-Ўзбекистон муносабатлари: ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда, жумладан, Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшни, дўст ва ҳамкор эканлиги қайд этилади.

Хусусан, мақола муаллифлари шундай ёзади: «ХХР ва Ўзбекистон Республикаси сиёсий соҳада бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда. Жумладан, юқори даражадаги алоқалар ҳам ўсувчан мазмунга эга. 2004 йилнинг июнь ойида ХХР раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Унда Хитой-Ўзбекистон муносабатлари бўйича муҳим масалалар, минтақа ва дунёдаги вазият юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва ХХР раиси Ху Цзиньтао томонидан «Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Дўстлик муносабатлари, шериклик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация» имзоланди. Икки мамлакат тегишли идоралари ўртасида соғлиқни сақлаш, таълим ва энергетика соҳаларида яна тўққизта ҳужжат имзоланди».

«Жэньминь жибао»нинг таъкидлашича, 2005 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга буюрган давлат ташрифи чоғида икки давлат етакчилари «Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома»ни имзоладилар.

Ўзбекистон ва Хитой томони БМТ ҳамда ШҲТ каби кўп томонлама тузилмаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, ўзаро ҳамжиҳатликда минтақа ҳамда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашмоқда.

«Ўтган давр ичида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламлари салмоқли даражада кенгайди. Биргина 2006 йилнинг 7 ойи мобайнида икки томонлама савдо айланмаси 659 миллион АҚШ долларига етди...».

Ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонни Хитой ҳамиша қўллаб-қувватлайди, – деб ёзади «Жэньминь жибао».

Мақола интиҳосида икки давлат ўртасида мунтазам равишда кенгайиб бораётган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва сайёҳлик соҳасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани алоҳида таъкидланган.

**«Жаҳон» АА**
**Пекин.**

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР БОШЛАНДИ

***Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар бошланди.***

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига бағишланган мазкур анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади халқ фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани таъкидланди. Бу эса барча бўғин раҳбар ва мутасаддиларидан алоҳида масъулият ва ташаббускорликни талаб этади. Шунингдек, бугунги раҳбар юксак билим ва салоҳиятга, сергаклик ва ҳушёрлик, инсонпарварлик, фидойилик, қатъиятлилик ва талабчанлик каби фазилатларга эга бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиздаги турли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этаётган мазкур семинарда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама этилмоқда.

Ўн кун давом этадиган семинарда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, миллий хавфсизликни таъминлаш каби кўплаб масалалар хусусида маърузалар тингланади. Тингловчиларнинг билим ва кўникмалари тест синовлари ёрдамида мустаҳкамлаб борилади.

Минтақавий семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаев иштирок этди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Эътироф

*Шаҳрихон ва Қорасув пичоқлари, Андижон ҳунармандларининг мебеллари, камалак рангида товланувчи палаклар, сўзаналар аллақачон хорижликлар назарига тушгани, уларнинг уйлари тўридан ўрин олгани айни ҳақиқат.*

## Ҳунармандлар хориж бозорини забт этаётир

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган халқ ҳунармандчилигининг бетакрор анъаналарини иқтидорли ёшлар давом эттираётгани, янги шакл ва мазмун билан бойитаётгани тағинда қувонарли. Заргар Қодиржон Фозилов билан косибчиликни санъат асари даражасига кўтарган Нуриддин Ҳотамовлар ўлмас анъаналарга сайқал бераётган ҳунармандлардан. Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида очилган нуфузли кўргазмада ҳар икки ҳунарманднинг ижодий ишлари, буюмлари юксак баҳоланди. Уларга ЮНЕСКОнинг сифат белгиси халқаро сертификати топширилди.

Энди андижонлик ҳунармандлар ўз маҳсулотларини хориж бозорларида сотиш, халқаро йирик кўргазмаларда қатнашиш имконига эга бўлдилар.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭШИТДИНГИЗМИ?



**Осмонда кучли ёруғлик таратувчи комета пайдо бўлди. Уни австриялик астроном Роберт Макноут кашф қилди. Шунинг учун мазкур комета унинг номи билан, яъни «Макноут» деб аталди. Шимолий ярим шарда ёруғлик таратувчи кометани бемалол кўриш мумкин. Мазкур «кичик сайёра» шу пайтгача аниқланган кометалардан олти баравар кўп ёруғлик таратмоқда.**

Қирқиш чизиғи

қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижрочилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб ҳисобланади";

28) **1080** ва **1081-моддалар** чиқариб ташлансин.

**2-модда**. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 16 январь
№ ЎРҚ — 79

24

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2007 йил**

Қирқиш чизиғи

“Чоп этилган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади";

17) **1061** ва **1062-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“1061-модда. Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш**

Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.

**1062-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади

12

Буклаш чизиғи

тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсинида ушбу Кодекс 1049-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди";

18) **1063-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси

13

# Эл эҳтиёжи, давр талаби

## Сенаторлар иш тарзининг асосий йўналишидир

*Жамиятда қонунчилик ва унга доир меъёрий асосларни яратиш фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Зеро, мамлакатимизда икки палатали парламент томонидан ислоҳотларга асос бўладиган мукаммал қонунларнинг яратилиши фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашга, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини янада оширишга хизмат қилади. Худди шу нуқтаи назардан Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолари ўтган 2006 йилда самарали фаолият юритди. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун мазкур қўмита аъзоси, доимий асосда ишловчи сенатор Хайрулла ИБРАГИМОВга мурожаат қилдик.*

— Ўтган йили қўмитамизда иш анча самарали кечди, — дейди Х. Ибрагимов. — Фаолиятимизнинг айримлари хусусида тўхталадиган бўлсак, ўтган вақт оралиғида турли учрашувлар, семинарлар ўтказиш билан бирга, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга юборилган қонунлар юзасидан қўмита ваколатлари доирасида хулосалар тайёрладик.

Йил давомида ўтказилган тадбирларимиз эса, айтиш мумкинки, долзарблиги билан эътиборлидир. Хусусан, "Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш. Муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзуида ўтказилган семинарда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларни янада такомиллаштириш, сув ҳавзалари ифлослантирилишининг олдини олишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, сув ресурсларини бошқаришнинг самаралироқ усулларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. "Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш — қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш гарови: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуидаги семинарда эса фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланишда ижара муносабатлари, ер қонунчилигини такомиллаштиришдаги муаммолар ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришга доир қисмининг Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида бажарилиши ҳақида"ги масала назорат тариқасида Тошкент вилоятида бўлиб ўтган қўмитанинг сайёр йиғилишида кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида Сенатнинг фаолиятига баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини чуқур таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. Президентимизнинг ушбу фикрлари асосида мазкур қўмита фаолияти кўриб чиқилди ва у Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида эшитишга тайёрланди. Биринчи марта Сенатнинг мутлоқ ваколатига кирадиган масалалардан бири, яъни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳисоботи парламент юқори палатасининг олтинчи ялпи мажлисида эшитилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида Президентимиз томонидан парламентнинг

**Сарҳисоб**

иккала палатаси қўмиталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида билдирилган фикрларни амалга ошириш борасида ҳам қўмита томонидан муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, 19 май куни Сенатда Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан биргаликда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини қонунчилик йўли билан таъминлаш. Қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этишдаги муаммолар" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича мутахассислар, олимлар ва доимий комиссиялар раислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Иштирокчилар томонидан ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, экин ерларидан фойдаланиш самарадорлигини, тупроқ унумдорлигини ошириш масалалари бўйича қатор амалий таклифлар билдирилди. Шунингдек, Сенат биносида "Пахтачилик ва ғаллачиликка илғор технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизациялаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда ҳозирги вақтда пахтачилик ва ғаллачиликда замон талабларига мос келадиган технологиялардан фойдаланилаётганлиги, шу билан биргаликда соҳадаги муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари, пахтачилик ва ғаллачиликда замонавий технологияларни янада кенгроқ қўллаш орқали юқори натижаларга эришиш ва уларнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш ҳақида олимлар ва амалиётчи мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини, амалий таклифларини билдиришди.

Сир эмас, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ривожланмоқда. Фермерлар томонидан кўплаб қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиниши ва ишлатилишини инобатга олган ҳолда, жойларда техника ва меҳнат хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ходимлар билан техника хавфсизлиги бўйича амалий машғулотлар ўтказиш изчил йўлга қўйилган. Хусусан, "Ўзархив" агентлигидан фермер хўжаликларида ишлаб келаётган ходимларни қўшимча ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида топширилаётган ҳужжатларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг сифати (ишга қабул қилиш, бўшатиш, иш ҳақига оид ҳужжатлар каби) ва тўлиқ ҳажмда архивга топширилиши назоратга олинган.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидан сўнг, қўмитамиз аъзолари мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб, ваколатларига доир вазифаларни амалга оширдилар. Жумладан, улар Сенат Раиси раҳбарлигида Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда Навоий вилоятининг чўл ҳудудлари туманларида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўзаро узвий алоқани йўлга қўйдилар. Сенаторларимиз ушбу ҳудудлардаги мавжуд минтақавий муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишда депутатлар билан бамаслаҳат иш олиб боришмоқда. Ўтказилган учрашувларда эса маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан очиқчасига мулоқотлар олиб борилди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари томонидан фаолияти суст депутатларнинг иш тутуми муҳокама қилинди. Туманларда бўлиб ўтган учрашувларда улар фаоллигини янада ошириш мақсадида тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Шу билан биргаликда, қўмита аъзолари томонидан жойлардаги ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш юзасидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар бир сенатор ҳудудлардаги тадбиркорларни, фермерларни йиғиб, улар билан учрашиб янги иш ўринлари очиш учун мавжуд муаммоларни (кредит олиш, инвестиция киритиш, янги технологияларни жорий этиш, кичик ишлаб чиқариш объектларини очиш каби) ҳал қилишда ёрдам беришмоқда.

Бу йил эса ўтган даврдаги асосий фаолиятимизни давом эттирган ҳолда янада самарали иш олиб бориш, сайловчиларимиз мурожаатларини ўрганиш, сенатор сўрови доирасида бир қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз.

**Зиёдо АШУРОВА**
**ёзиб олди.**

---

**Шукроналик**

*Мустақиллик давридаги ўтган тарихий йилларимиз, таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий тиклашдан иборат шарафли йиллар бўлди десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Аммо бу йўл осон кечмади.*

# Кечаги кунни унутманг

## ўшанда бугуннинг қадрига етамиз

**Б**из кўп ҳолларда кечаги кунни унутмасликка, бугуннинг қадрини авайлашга даъват этамиз. Майли, мустабид замонда эмас, айтайлик, истиқлолга эришган давримизда қандай қийинчиликларни бошдан кечирганимиз эсимизда турибдими? Ўзбекистоннинг илк Президенти мамлакатга раҳбарликни бошлаганда халққа томорқа беришдек туб ислоҳот қандай қабул қилинганди? Ўша йиллари ён дафтаримга қулоғимга чалинган бир суҳбатни ёзиб қўйган эканман:

*— Кеча Тошкентдан топшириқ келди: томорқа олиш истагида бўлганларнинг эҳтиёжи қондирилсин, бу ҳақда тегишли маълумот юборилсин.*

*— Кўп йиллик тажрибамга таяниб айтаманки, бундай иш тутишнинг охири бахайр эмас.*

*— Нега энди? Ахир одамлар бу янгиликдан хурсанд, орзуларимиз ушалмоқда, дейишяпти.*

*— Хўп деяверинг, оқибатини кейин кўрасиз.*

Аслида, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини ўзи учун саодат деб билган Президентнинг кўнглидаги нурли режаларни бояги «башоратгўй» қотиб қолган эскича тасаввури доирасига сиғдиролмаслиги табиий эди. Жамиятни эркинлаштириш ғояси унинг табиатига, кўп йиллик «тажриба багажига» зид эди. Ислом Каримов ана шундай тушунча ва қарашларни шижоатли амалий ҳаракат, оқилона сиёсат орқали парчалашга муваффақ бўлди.

Ўн беш йил кўҳна тарих олдида киприк қоққулик фурсат, деб айтамиз. Лекин инсон умри, ҳаёт йўли ўлчамларида қарасак-чи? Чакана муддат эмас. Айниқса, бу йиллар туб ўзгаришларга, эскилик ва янгилик курашига бой бўлса. Ўн беш йилда озмунча синовларни бошдан кечирмадик.

Кеча бир эҳтиёж билан «Дархон» супермаркетига кирдим. Пештахталарда дунёнинг энг олди моллари бежирим идишларда ял-ял ёнади. Сотувчилар мижозлар атрофида парвона. Харидорлар юз-кўзига разм солдим. Уларда хотиржамлик, мамнунлик шундоқ кўриниб турибди. Аксарияти касса олдига келганда пластик **карточка** воситасида ҳисоб-китоб қиляпти. Хўш, бундан нега ажабланасиз, дейсизми? Ҳамма гап шундаки, худди шу дўконда бундан ўн икки-ўн уч йил аввал аҳоли кундалик эҳтиёж маҳсулотларини белгиланган **карточка**га ёздириб олар, ўз тегишини олиш учун пул топиш катта муаммо эди. Ўтган даврда шунчалик ўзгаришларга эришганимизни унутиб бўладими? Нафақат кўзга ташланадиган, айни пайтда, кўздан яширин маънавий оламимиздаги янгиланишларни назардан соқит қилиш мумкинми?

Ҳозир бояги манзарани қийинчилик деб эслаяпмизу, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири — ижтимоий ҳимоянинг ёрқин кўриниши эди ўша босқич. Ёдингизда бўлса, XX асрнинг охирги ўн йиллигида баъзи Ҳамдўстлик мамлакатларида карахт қилиб даволаш (шоковая терапия) йўли танланди. Яъни халқнинг ҳар куни эҳтиёжи учун зарур саналган маҳсулотлар нархи ўз ҳолича қўйиб юборилди. Бундай сакрашдан аҳоли карахт бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Лекин Ўзбекистон бу йўлдан бормади. Қолаверса, бу йўл меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик сингари юксак қадриятлар эъзозланаётган миллат табиатига асло тўғри келмасди.

Халқимизнинг ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида тинч-осойишта шароитда мустақилликка эришиб, ўтиш даврида ҳеч кимнинг «бурни қонамай» — беталофат, янгича муносабатлар жорий этилган даврга етиб келиши миллатимизнинг улкан бир ютуғидир.

Буюк боболаримиздан бирига: «Дунёда одамдан ҳам улуғ неъмат борми?» деб савол беришганида, ул зот: «Ҳа, бор» деб жавоб қилган экан. Ҳамма ҳайрат билан: «Нима у?» деб қизиқибди. Бобомиз «Бу — одамийликдир» деганларида, бундай пурҳикмат ва содда жавоб барчага маъқул бўлибди. Шу мантиққа таяниб «Бизнинг энг катта бойлигимиз нима?» дея савол қўйгим келади. Яқинда бир даврада ана шу сўроқни ўртага ташлаб кўрдим. Кимдир дунё мамлакатларида не-не саноатчилар интизор кутиб турган пахтамизни катта бойлик дея таърифлади. Яна биров Ўзбекистоннинг тилини бурро қилган олтинимиз бебаҳо хазина эканлигини тилга олди. Меҳнаткаш халқимизни ҳам бойликларимиз сирасида санашди. Бу жавобларнинг барчаси маъқул эди. Шу дамда давранинг тўрида ўтирган отахонлардан бири гурунгга аралашди. «Мен билиб ўтирибман, нимани назарда тутганингизни» деб мийиғида кулиб қаради. Бундан бошқалар сергак тортди. Ҳамма оқсоқолнинг жавобини кутарди. У киши ҳам давранинг қизиқишини ошириб, арқонни узун ташлади.

— Агар ўша бойлик бўлса, эл-юрт яхши ҳаёт кечиради, боғлар яшнайди, улкан иморатлар қурилади, фарзандларимиз баркамол вояга етади. Бу бойликнинг номи — тинчлик-осойишталик.

Барча бу жавобга рози бўлди. Рост-да, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилар экан. Тинчликка нима етсин? Ахир, халқимиз азал-азалдан бунёдкорлик ғояларини олға сурган, ҳеч қачон вайронкорликни ёқламаган. Ўтган ўн беш йиллик ҳаётимиз бунга ёрқин мисол. Минг шукрки, тинч ва дориломон кунларда Ўзбекистон асрларга татигулик ютуқларга эришди. Бой-бадавлат оилалар кўпайди. Минг-минглаб фермерлар ҳисоб рақамига тушган катта ҳажмдаги сармоялар билан фахрланишяпти. Илгари тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасида чет эллик корчалонларни мисол келтирардик. Энди эса бундай одамлар ўз орамиздан исталганча топилади.

Дунёдаги кўплаб эллар, элатлар ҳавас қиладиган удум ва анъаналаримиз бор. Мамлакатимиз пойтахтининг кўркам жамоли ҳеч қайси шаҳри азимникидан кам эмас. Шу ўринда илгари айтилган гапларни такрорламайлик-да, бир манзарага эътибор қаратайлик. Тошкентимизнинг Фарҳод кўчаси, Олой бозори каби жуда кўплаб гавжум жойларида гуллар бозори мавжуд. Бундай нуқталар тобора кўпайиб боряпти. Уларнинг ҳаммаси кечаю кундуз савдо қилади. Ўйлаб қарасангиз, ҳар куни минг-минглаб анвойи гулдасталар харид қилинади. Бир ҳафтада қанча, бир ойда неча миллион гуллар армуғон этилади.



*Айни қиш чилласида ял-ял ёнган мана бу гуллар гўзал Тошкентимизнинг барча даҳаларида ўз харидорини топмоқда. Кечасию кундузи бу совғанинг савдоси қизғин. Оқибатли, кўнгли дарё инсонлар меҳрини ифодалаб турган шу гуллар ҳам халқимиз турмушининг нақадар осойишта, хотиржам ва тўкинлигидан далолат.*

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

**Х**ўш, фақатгина шу гулларнинг ўзи ҳаётимизнинг нақадар тўкин, фаровонлигидан нишона эмасми?! Зотан, кўзи тўқ, кўнгли хотиржам, кайфияти чоғ инсонларгина бир-бирларига гул ҳадя этади! Бу ҳолатлар бизни қувонтириши, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлаши керак.

Ўзлигимизни англаш, бой ўтмишимиз билан фахрланишдан ташқари, буюк келажагимизни ўз қўлимиз билан яратаётганлигимизни дил-дилдан ҳис этиш танамизга битмас-туганмас куч-қудрат ато этади. Зеро, ўзлигини англаган халқ ҳамма замонларда ҳам қадди тик, ғурури баланд бўлган. Халқимизга шундай олий мақом доимо ҳамроҳ бўлсин.

**Ш.ЖАББОРОВ.**

---



# Маҳорат мактаби

*Фарғона вилоятидаги генерал-майор F. Зокиров номли ўқувчиларни ҳуқуқий касбга йўналтирувчи Республика лицейи бугунги кунда юртимизнинг нуфузли даргоҳларидан бири саналади.*

*Масканда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод вакиллари бўлиб вояга етишишлари учун кучли моддий техника базаси мужассам. Ёш, интилувчан кадрларга назарий билим асосларини малакали педагоглар, мутахассислар ўргатиб келишмоқда.*

*— Лицейимизда ҳозирда 400 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди лицей директори Муроджон Мамажонов. — Спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш учун барча имконият яратилган. Бундан ташқари, ахборот ресурс маркази, тиббий-санитария бўлими замон талаблари асосида хизмат кўрсатмоқда.*

*Ватан сарҳадларини келгусида муносиб ҳимоя қилиш ва халқимизнинг осойишталигини таъминлаш учун бел боғлаган бу ўқувчиларга барчанинг ҳаваси келади.*

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

---

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади";

19) **1064-модда** чиқариб ташлансин;

20) **1065-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик

14

(кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди";

13) **1057-модда** чиқариб ташлансин;

14) **1058-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059–1062-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади";

15) **1059-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1059-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда шахсий мақсадларда такрорлаш**

Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:

бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;

маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;

китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди";

16) **1060-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11—12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 5,

2

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

шидан фойдаланишда ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи

23

қатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочиларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб ҳисобланади.

**1079-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари**

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотга ўз кўрсатуви ёки эшиттири-

22

Буклаш чизиғи

90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **97-модданинг иккинчи қисмидаги** "розилиги" деган сўз "рухсати" деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **1031-модда 1-бандининг:**

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари";

**тўртинчи хатбошиси** "электрон ҳисоблаш машиналари" деган сўзлардан кейин "(бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **1034-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** "розилиги" деган сўз "рухсати" деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мутлақ ҳуқуқларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк объектидан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади";

4) **1041-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объекти**

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ош-

3

Қирқиш чизиғи

(импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқига) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни

10

Буклаш чизиғи

ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади";

21) **1066-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатини тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши керак";

22) **1067-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушбу Кодекс 1056-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мулкий ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғри-

15

Қирқиш чизиғи Қирқиш чизиғи

Ижрочининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган

20

Буклаш чизиғи

тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади.

**1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган материаллар**

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар";

7) **1046-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси**

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик

5

Қирқиш чизиғи

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир

8

Буклаш чизиғи

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган

17

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**Россияда 15 январдан муҳожирлар масаласида янги қоидалар кучга кирди.** Унга кўра, хорижлик фуқароларнинг мамлакат бозорларида савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланиши чекланади. Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари, жумладан, Россияга визасиз кирувчи давлатлар фуқароларига бир ёки уч кун давомида рўйхатдан ўтказилиб, бир йил ишлашига рухсатнома берилади.

**Осиё-Тинч океани ҳавзасида жойлашган давлатлар энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва углеводород хомашёсининг муқобилини топиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришга келишдилар.** Филиппиннинг Себу курортида бўлиб ўтган АСЕАНга аъзо давлатлар ва Хитой, Жанубий Корея, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва Австралия ҳукумат раҳбарларининг учрашувида мазкур масала юзасидан шартнома имзоланди.



**Сомалида мамлакат куролли кучлари ва Эфиопия армияси жангариларнинг жиддий ҳужумига дуч келди.** Мамлакат пойтахти Могадишода ҳукумат кучлари кетаётган автоколоннага жангарилар кутилмаганда ҳужум қилишди. Тун бўйи отишмалар давом этган. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

**Ўрта ер денгизида юк кемаси йўловчи ташувчи паром билан тўқнашиб кетди.** Сўнгги маълумотларга кўра, икки экипаж аъзоси ҳалок бўлган, бир неча ўн киши турли даражада жароҳатланган. Воқеа рўй берган пайтда паромда 150 нафарга яқин йўловчи бўлган.

**Сешанба куни эрталаб Япониянинг Хонсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 5,7 баллик зилзила қайд этилди.** Япония Метеорология агентлиги зилзила маркази 170 километр чуқурликда жойлашганлигини маълум қилди. Ҳозирча вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.



**Кувайт қироллиги оиласи аъзоси шайх Носир ал-Сабоҳ ўз мамлакатида ўлим жазосига маҳкум этилди.** У мамлакатга гиёҳванд моддалар олиб келганликда ва тарқатишда айбдор деб топилди. Ҳукмда қайд этилишича, унинг хатти-ҳаракати жамоатчиликка, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, уйида шайх ноқонуний тарзда курол-яроғ сақлаганлиги ва ўзгалар мол-мулкини жиноий йўл билан ўзлаштирганлигини ҳам тан олди.

**Россия Президенти Владимир Путин Беларусга 2007 йилда 5,8 миллиард доллар иқтисодий ёрдам кўрсатилишини билдирди.** Бу кўрсаткич мамлакат бюджетининг каттагина қисмини ташкил қилади. Владимир Путин Россия ва Беларусь ҳукуматини икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномаларни оғишмасдан бажаришга чақирди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт



*Миллий спортимиз — кураш жаҳонда ўз ўрнини топиб бормоқда. Яқинда КХАнинг Тошкентдаги қароргоҳига Францияда кураш федерацияси очилганлиги ҳақида хушхабар келди.*

# Кураш федерацияси Францияда ҳам бор

Хабарда маълум қилинишича, Франциядаги кураш федерацияси ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган спорт федерацияларидан бири сифатида иш бошлади. Шундай қилиб, КХАга аъзо давлатлар сони 85 тага етди.

Франциядаги Ўзбекистон элчихонаси саъй-ҳаракати ҳамда ушбу мамлакатдаги бир гуруҳ курашсевар кишиларнинг қўллаб-қувватлаши сабабли ўзбек миллий спорти Европанинг ривожланган давлатида федерация мақомига эга бўлди. Шунингдек, ўтган йилнинг июль ойида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ташаббуси билан икки мамлакат полвонлари ўртасида уюштирилган ўртоқлик учрашуви ҳам кураш федерациясининг очилишига туртки бўлган.

Франция ҳукумати эндиликда кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларни, ўз мамлакати полвонларининг халқаро турнирларда иштирокини молиявий томондан таъминлаш масаласини ҳам қисман ўз зиммасига олади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб (калити билан) фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

| ЛОТ | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| ЛОТ-1-4 | | |
| ЛОТ-1 | Пахтачи туманида Дамхўжа сув тармоғидан Хумор-Дўнг қишлоқларигача сув тармоғи қурилиши | 7 ой |
| ЛОТ-2 | Каттақўрғон туманининг Пайшанба қўрғонидаги мавжуд сув таъминоти тармоғи учун сув сақлаш резервуари ва насос станциясини қайта таъмирлаш | 4,5 ой |
| ЛОТ-3 | Нарпай туманида «Мирбозор-Оқтош» магистрал сув узатиш тармоғи қурилиши | 3 ой |
| ЛОТ-4 | Пайариқ туманининг Болта қишлоғида бир сменада 50 беморни қабул қилишга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши | 5 ой |

**Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй. Тел.: (8-3662) 35-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

***Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.***

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.*

*Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.



Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моштабиб кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

сидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди";

23) **1068-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

**16**

Буклаш чизиғи

шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас";

11) **1052, 1053, 1054** ва **1055-моддалар** чиқариб ташлансин;

12) **1056-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1056-модда. Муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари**

Муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш

**9**

Қирқиш чизиғи

кор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади";

5) **1042-модданинг еттинчи хатбошисидаги** "(кино-, теле- ва видеофильмлар, слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино-, теле- ҳамда видео асарлар), радио асарлар" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **1043** ва **1044-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1043-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар**

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);

ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);

**4**

Буклаш чизиғи

ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1062-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган деб ҳисобланади";

27) **1078** ва **1079-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1078-модда. Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуқлари**

Фонограммани тайёрловчига ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тар-

**21**

Қирқиш чизиғи

ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас";

24) **1071** ва **1072-моддалар** чиқариб ташлансин;

25) **1074, 1075** ва **1076-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1074-модда. Турдош ҳуқуқлар объектлари**

Турдош ҳуқуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради.

**1075-модда. Турдош ҳуқуқлар субъектлари**

Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош ҳуқуқлар субъектларидир.

Турдош ҳуқуқларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош ҳуқуқлар объектини рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш ва кабель орқали юборишни (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асардан, ижродан, фонограммадан ёхуд эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс

**18**

лар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнингноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини сақлаб қоладилар";

10) **1051-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

**7**

ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади";

8) **1048-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"1048-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди";

9) **1049-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедияларноширлари, продюссерлар ва бошқа шу каби-

**6**

билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансляция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига етказишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.

**1076-модда. Турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгилари**

Фонограммага ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгалари ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ҳар бир ғилофда акс эттирилади ҳамда қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча "Р" ҳарфи;

мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);

фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исми ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган ғилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади";

26) **1077-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир:

исмига бўлган ҳуқуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

**19**


ҲУРМАТЛИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**БАРВАҚТ ҚИЛИНГАН ҲАРАКАТ – ҲОСИЛГА БЕРАР БАРАКАТ**

Деҳқон ва фермерларни ёрдамчи-кўмакдоши сифатида

«АГРИМАТКО ЛТД» компанияси

ўз хизматларини таклиф этади.

«АГРИМАТКО ЛТД» компанияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бозорида 2003 йилдан буён Голландия, Швейцария, Япониянинг энг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сабзавот ва полиз уруғлари, Бразилиянинг механик ҳамда моторли сув (дори) пуркагичлари билан таъминлаш юзасидан ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормокда.



**Булар:**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

***Инсектицидлар (ҳашаротларни бартараф этувчи) гуруҳи:***

- *Нурелл-Д (циперметрин+хлорпирифос) (пахта, ғалла, боғлар);*
- *Вантекс (гамма-цигалотрин) (пахта, ғалла, картошка, боғлар, токзорлар);*
- *Пилармос (ацетамиприд) (пахта, бодринг, помидор, картошка, қанд лавлаги, тут қурти);*
- *Пиларкинг (имдаклоприд) (пахта, помидор, картошка, қанд лавлаги, боғлар);*
- *Пилармектин (абамектин) (пахта, помидор).*

***Гербицидлар (бегона ўтларни йўқотувчи) гуруҳи:***

- *Зеллек Супер (галоксифоп-Я-метил) (пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзи, ажриқ);*
- *Старане 200 (флуроксипир) (пахта, маккажўхори, пиёз);*
- *Дерби (флуметсулам-флорасулам) (ғалла).*

***Фунгицидлар гуруҳи:***

- *Топаз (пенконазол) (бодринг, токзор, олма, шафтоли, қулупнай, пиёз);*
- *Топсин-М (тиофанат-метил) (бодринг, токзор, олма, шоли);*
- *Пилартебу (тебуконазол+триадиметил) (ғалла, токзор, шоли).*

***Сабзавот ва полиз экинлари уруғлари:***

помидор (дала ва иссиқхоналар учун), бодринг (дала ва иссиқхоналар учун), булғор қалампири (дала ва иссиқхоналар учун), гулкарам (дала ва иссиқхоналар учун), карам, пиёз, сабзи, тарвуз, қовун.

Бразилиянинг механик ҳамда моторли сув (дори) пуркагичлари (боғлар ва далалар учун).

Шу билан бирга, юқори ҳосил олиш учун бизнинг малакали мутахассисларимиздан маслаҳат ва тавсиялар олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни маҳаллий дистрибьютор компаниялари орқали миллий валютага олишингиз мумкин. «АГРИМАТКО ЛТД» компанияси тақдим қилаётган маҳсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга.

Сизлардан қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Тошкент ш., Д.Кунаев к., 37/1. Телефонлар: (8-371) 152-17-35, 133-70-46.
Фарғона водийсида: Андижон ш., «Буюк Турон» к., 36-уй. Телефон: (8-374) 224-62-68.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

манзилий рўйхат лойиҳасига асосан 2007 йил учун стандартлаштириш, сертификациялаш, бир шаклда (типовой) лойиҳалаш меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун қуйидаги бўлимлар бўйича бажарувчи-ишлаб чиқувчилар

**танловини эълон қилади:**

1. Амалдаги элементли смета меъёрларини ресурсли смета меъёрларига қайта ишлаш:
   - *қурилиш ишлари учун ресурсли смета меъёрларига қўшимча ва ўзгаришларни ишлаб чиқиш;*
   - *ускуналарни монтаж қилиш учун ресурсли смета меъёрларига қўшимча ва ўзгаришларни ишлаб чиқиш.*
2. Сертификациялаш ва стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.
3. Лойиҳа-режалаштириш ва бошқа ишларни амалга ошириш.

**Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.**
**Ишлаб чиқиш муддати – жадвалга асосан 2007 йил давомида.**
**Молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг лицензиясига, малакали мутахассисларга, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича керакли тажрибага, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Қизиқиш билдирган вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
Тошкент ш., Абай к., 6-уй, 416-хона. Телефонлар: 144-15-93, 144-06-27.

КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

**"O'ZKABEL" OAJ QK**



*Сизни чин қалбдан Янги – 2007 йил билан табриклайди! Мустаҳкам соғлиқ, омад Сизга ҳамиша ёр бўлсин. Янада гуллаб-яшнашингизга тилакдошмиз!*

*Янги йил эшик қоқди,*
*Уйингиз бахтга тўлсин.*
*Орзу-умидлар бу йил,*
*Албат рўёбга чиқсин!*

Тошкент ш., Ф.Хўжаев к., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz


«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «ЭКОСАН»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Нурлибек Мирзамуратов ва унинг оила аъзоларига волидаи муҳтарамаси **Бийбимарьям БАЗАРБАЕВАнинг** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Физика-Қуёш» ИИЧБсининг Физика-техника институти жамоаси институт «Гелиополигон» бўлими мудири, техника фанлари номзоди **Азизхон ҒОФУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Маданият ва санъат бўйича илмий-ахборот бўлимининг мудири Курванбика Каримовага фарзанди **Навоий КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси Информацион технологиялар кафедраси доценти Абдурашид Алланазаровга онаси **Ойсоат ая МУСУРМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 229. Буюртма Г – 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб – Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир – Э. Болиев.
Навбатчи – Ф. Сапаев.
Мусаҳҳиҳ – М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 21.10 Топширилди – 21.45 1 2 3 4 5